

СОВУҚ, СОВУҚ, ЖУМ ҲАМ СОВУҚ


Бугуннинг ташвиши

Кутилаётган аномал иқлимга энерготизим қандай тайёргарлик кўрмоқда?

МАМЛАКАТИМИЗДА 10-15 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ АНОМАЛ СОВУҚ КУТИЛМОҚДА. ЭНЕРГЕТИКА ВА ЗИРЛИГИ ЭСА БУ ЖАРАЁНДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРДИ.
(Манба: t.me/minenergy_uz)



PS: Бундан бир ой муқаддам – декабрь ойининг бошида юртимизда кузатишган ноқулай об-ҳаво боис энерготизимдан аҳолининг норозилиги охири кетган эди. Кўпчилик буни куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг яхши бўлмагани билан боғлаган эди... Кўрамиз. Балки уша синовлардан тизим мутасаддилари тўғри хулоса чиқаришган бўлса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам, бугунги ваъдалар ваъдалигича қолмаслигига ишонгимиз келади. Ҳар ҳолда, иқлимшуносларнинг айтишича, олдимизда бизни совуқ... жуда ҳам совуқ кунлар кутиб турибди.
Мавзуга эса... «Тизимга раҳмат! Ваъдалар бажарилди» деган жумлалар билан қайтишни умид қилиб қоламиз.



Қайд этилишича, биринчи навбатда, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига электр энергияси, табиий ва суултирилган газ ҳамда кўмир маҳсулотини барқарор етказиб бериш чоралари кўрилади.

Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари фаолиятига киритилаётган чекловлар давом эттирилади.

Йирик ишлаб чиқариш корхоналарига табиий газ етказиб бериш ҳажми кескин камайтирилади.

Йирик истеъмолчиларнинг кунлик электр энергияси истеъмоли камайтирилади ва тежалган 11-12 млн. кВт-соат электр энергияси аҳоли истеъмолига йўналтирилади.

Содир бўлиши мумкин бўлган йирик аварияларни олдини олиш, барча истеъмолчиларни бир маромда электр энергияси билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда тасдиқланган графикларга асосан қисқа муддатли чекловлар киритилади.

Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциялари ва марказларнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида кунига ўртача 49 млн. куб метр мазут ва 280 минг тонна кўмир ёқилғиси захираси яратилган. Истеъмолчиларга кунлик кўмир етказиб бериш ҳажми 5000 тоннадан 8000 тоннага оширилади.

Икки соатдан ошмаган вақт оралиғида ҳудудлар кесимида жорий этилаётган чеклов графиклари барча вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида эълон қилиб борилиши таъминланади.

Шунингдек, аномал совуқ кунларида тармоқларда юзага келиши мумкин бўлган носозликларни бартараф этиш учун электр ва газ таъминоти корхоналарида туну кун ишлайдиган 1000 дан ортиқ махсус бригада ташкил этилган. Ушбу бригадалар муаммоларни тезкорлик билан бартараф этилишини таъминлайдилар.

Кун нафаси

ҚИШКИ ТАБТИЛ ҚАЧОНГАЧА?

Мамлакатимизга аномал совуқ об-ҳаво кириб келиши муносабати билан барча бўғиндаги таълим муассасаларида қишки табтил муддати 17 январга қадар узайтирилди.

ТИББИЙ СУҒУРТА ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Юртимизда тиббий суғурта тизими синов тарихида жорий қилинмоқда. Биринчи бўлиб амалиёт Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида жорий қилинади.

ШАҲРУЛЛО МАҲМУДОВ АWF ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ

Қатар пойтахтида Осиё оғир атлетика федерацияси (ОАФ) навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон ёшлар сиёсати ва спорт вазири ўринбосари, мамлакат Оғир атлетика федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Шаҳрулло Маҳмудов кейинги тўрт йиллик муддатга АWF вице-президентлигига сайланди.

II МДХ ҲАММАСИ ҚАЕРДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Ҳамдўстлик мамлакатлари II ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ йиғилишида мусобақа низоми тасдиқланди, дея хабар бермоқда МДХ Ижроия қўмитаси матбуот хизмати. Унга кўра, II МДХ ўйинлари жорий йилнинг 4-14 август кунлари Беларусь давлатининг 11 шаҳрида 21 спорт тури бўйича ташкил этилади.

БАЙДЕН НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИ ЧЕКЛАМОҚЧИ

АҚШ президенти Жо Байден мамлакатга ноқонуний миграцияни чеклаш бўйича янги чораларни эълон қилди. У 5 январь, пайшанба кунини Оқ уйда қилган чиқишида Марказий Америкадан келган муҳожирилари Америка чегарасига ҳужжатсиз бормасликка чақирган.

ЯНГИ КЕЛИШУВДА НИМАЛАР АКС ЭТГАН?

АҚШ президенти Жо Байден ва Германия канцлери Олаф Шольц пайшанба кунини Украинага Россия тажовузкорлигига қарши туришда ёрдам бериш учун пилда жанговар машиналари беришга келишиб олди, дея хабар қилди Оқ уй.

КАМБАҒАЛЛАР Сони КЎП ДАВЛАТЛАР

Камбағаллар сони энг кўп бўлган дунёдаги 5 та давлат: Ҳиндистон, Нигерия, Конго Демократик Республикаси, Эфиопия ва Бангладеш. Этиборлиси дунёдаги камбағалларнинг деярли ярми юқоридаги давлатларда яшар экан.



Азиз газетхонлар!
Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётими?
Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг.
Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Ishonch

Урт тараққиёти yo' lida birlashaylik!

2023-yil
7-yanvar
shanba
№ 4 (4756)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991 yil 21 martdan chiqa boshlagan

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

БИР ҚАТОР ДОРИ ВОСИТАЛАРИ СОТУВИ ТЎХТАТИЛДИ

Чуқурлаштирилган сифат назорати натижаларига кўра, «Док-1 Макс» ҳамда «Амбронол» дори воситаларининг айрим серияларида пропиленгликол моддаси ўрнига ёки у билан бирга этиленгликоль ва диэтиленгликол моддалари мавжудлиги маълум бўлди.

Шуни инобатга олган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва қолган дориларни ҳам қўшимча текширувдан ўтказиш мақсадида эҳтиёт чораси сифатида «Qitatax Medical» МЧЖ томонидан 2022 йил юртимиз ҳудудига олиб кирилган барча препаратлар сотувини тўхтатди.

Қуйидаги суратда ушбу препаратлар рўyxати келтирилган.

Манба: t.me/ssvuz

	Леворекс 250 таблетка, покрытые пленочной оболочкой 250 мг №5		Леворекс 750 таблетка, покрытые пленочной оболочкой 750 мг №5		Леворекс раствор для инфузий 5 мг/мл 100 мл №1
	ИНФЕКОН раствор для инфузий 2 мг/мл 100 мл №1		ТЕРГАМОН-СУЛ 1500 порошок для приготовления раствора для инъекций №1		ЦИНЕПАР таблетки №100
	ЦИНЕПАР-75 раствор для инъекций 3 мл №5		Анасеп гель для десеи 20 г №1		Леворекс 500 таблетка, покрытые пленочной оболочкой 500 мг №5
	Травамакс Плюс гранулы для приготовления раствора для приема внутрь 5 г №25		Травамакс Плюс гранулы для приготовления раствора для приема внутрь 5 г №5		Травамакс гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом
	Травамакс гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом		Травамакс гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом		Травамакс гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом
	Нолгрипп Плюс Хот гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом		Нолгрипп Плюс Хот гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом		Нолгрипп Плюс Хот гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом
	Нолгрипп Плюс Хот гранулы для приготовления раствора для приема внутрь со вкусом		Нолгрипп Плюс таблетки №100		Нолгрипп Плюс таблетки №400
	ДОК-1 МАКС сироп со вкусом лимона 100 мл №1		Нолгрипп Джуниор сироп 60 мл №1		ЦИНЕПАР таблетки №1000
	Кюразит суспензия 200 мг со вкусом мяты, банана, апельсина 15 мл		Кюразит 250 капсулы по 250 мг №6		Кюразит 500 капсулы по 500 мг №3
	ЦИНЕПАР АКТИВ гель 20 г №1		ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом лимона 20 г №1		ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом гардении 20 г №1
	ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом жасмина 20 г №1		ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом персика 20 г №1		ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом розы 20 г №1
	ЦИНЕПАР АКТИВ гель 5 г №50		ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом гардении 5 г №50		ЦИНЕПАР АКТИВ гель с запахом жасмина 5 г №50



АЙТИШЛАРИЧА...

Аномал совуқлар кутилаётгани сабабли 13-14 январь кунлари бозор ва дўконлар ҳам ишламаслиги мумкин экан.

Буни олдиндан билганлар эса бозорни аллақачон танг қилишга киришибди. Шу сабаб айни кунларда бозорлар ва дўконларда баъзи маҳсулотлар, жумладан, эркаклар пайпоғи, соқол қиртишлагич ва турли чала ярим уй-рўзгор анжомларининг баҳоси каррасига ошиб кетганмиш...

Баъзи мутахассисларнинг айтишича эса сабаблар фақат аномал иқлимга боғлиқ эмас. Шу туфайли ишчи гуруҳ тузилиб, барча сабаб ва оқибатлар ўрганишга киришилган.

Хулосалар совуқлар ўтгач, эълон қилинар экан...



БИЗНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА КУЗАТИБ БОРИШИНГИЗ МУМКИН:

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgz>



Андижон
вилояти

Мақсад – ишчи-ходимлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш



Спорт, туризм маданият соҳалари аждодларимиз меросини, маънавий хазиналаримизнинг бебаҳо бойликларини фаол тарғиб этиб, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг бугунги тинч ва эркин ҳаёт қадрига етиши учун хизмат қилмоқда.

Андижон вилоятидаги маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси тармоғи 92 та ташкилот ва муассасадаги 6 мингдан ортиқ меҳнаткаши бир-

лаштирган.

Вилоят маданият бошқармаси тизимидаги театрлар, кутубхоналар ва мусиқа мактаблари, вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси

тасарруфдаги спорт мактаблари ҳамда туризм соҳасига алоқадор ташкилотларнинг бошланғич касба уюшма раислари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда янги қабул қилинган Меҳнат кодекси ҳақида вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳ.Усмонов тармоқда 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини тайёрлаш шартлари

Ўқув-семинар

ва афзалликлари ҳақида тушунча берди. Бирлашманинг меҳнат-кашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудир Э.Тешабоев бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш ишларини ташкил этиш мавзусида фикр юритди. Шунингдек, вилоят кенгаши меҳнат техник инспектори М.Азимхўжаев ҳамда тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларини тайёрлашда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш мавзусида меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси Д.Қаюмовнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, бошланғич касба уюшма кўмита раислари меҳнат жамоаларида маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ҳақида фикрларини билдирди.

Ўз навбатида, меҳнаткашлар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида шу каби семинарларни ҳар чорақда ўтказиб боришга келишиб олинди.

Яқунда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз

Ҳурматли газетхонлар! Сизлар билан таҳририят ходимлари иштирокида жойларда ўтказилган «Ishonch» кунлари тадбирларида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида «Сўранг, жавоб берамиз» рукнида меҳнат муносабатларига оид саволларга жавоблар тайёрлашни ўйла кўймоқдамиз.

Агар сизда ўзинингизни қизиқтирадиган саволлар бўлса, унга аниқ, лўнда ва тушунарли жавоб истайдиган бўлсангиз, таҳририятнинг телеграмдаги «Муштарий минбари» канали – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали беришингиз мумкин.



Ўқиш даврида маошим сақлаб қолинадими?

САВОЛ: Сўнгги йилларда олийгоҳларда сиртқи бўлимлар очилиб, ўрта маълумотга эга ходимларнинг олий маълумот олиши учун қўлай имконият яратилди. Сиртқи бўлимда ўқиётган ходимнинг ўқиши бошланса, иш жойидаги ойлиги сақланадими?

Ноила ЖУМАОБОВА
Иштихон тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат кодекси талабларига кўра, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга ишни таълим билан бирга олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт.

Таълим муассасаларида ишлаб

чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш, ўқув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга.



Меҳнат таътилга қачон чиқаман?

САВОЛ: Давлат ташкилотиде ишлайман. Меҳнат таътилга чиқишга ариза ёзсам, иш берувчи охириги таътил билан ораси бир йил бўлиши керак, сизга ҳали бир ой бор экан, деди. Шу тўғрими?

Мафтуна ОЧИЛОВА
Мирзо Улуғбек тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат кодексида ходимларга меҳнат таътили бериш тартиби, вақти ва навбати белгилаб қўйилган.

Хусусан, ушбу кодексга мувофиқ йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эйтиборан ҳисобланади. Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллار

жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади. Йиллик таътилларни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими



Қашқадарё
вилояти

Касаба уюшма фидойилари

Инсон қандай яшаса қаримайди? Қай ҳолатда 80 ёшида ҳам ўзи ишлайдиган ташкилот-корхонага яхшигина наф келтиради?

Қашқадарёлик касба уюшмаси фаоли Исма-тулла Бозоровнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, бу саволларга аниқ жавоб топасиз.

Унга шундай таъриф беришади: «ташкilotимиз виждони»



Ушбу фаолиятини дўкон со-тувчилигидан бошлаган ва салкам 15 йил шу соҳада хизмат қилган. Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳалол ишлади, харидорлар билан хушмуо-лада бўлди. Натигада, эл наза-рига тушди. Масьулиятни чуқур ҳис этиши сабабли унга соҳада раҳбарлик қилиш вазифалари ишониб топширилди. Жумладан, Қарши шаҳар санаот мол-лари савдосида тафтиш бўлими

мудир, шаҳар спорт моллари савдоси директори, вилоят давлат савдоси инспектори, инспекция бошлиғи, эксперт-вазир буюриши боғлиғи вазифаларини бажарди. Қарши шаҳар озиқ-овқат моллари савдоси директори бўлиб ишлаган кезлари, аниқроғи, 1984-1992 йилларда кетма-кет етти чорак бўйича ғолибликни қўлга киритди. Москвада чиқарилган «Советская торговля» журнали ходимлари Исма-тулла Бозоровнинг бу ютуқларига шубҳа билдиришди. Шу боис Ўзбекистонга келиб, унинг иш фаолиятини синчиклаб текширишди. Ҳеч қандай камчилик тополмагач, кўчма бай-роқ унга тўғри берилганини эътироф этишди.

Исмаатулла ака вилоятдаги кўплаб савдо дўконлари ва мажмуалари қурилишига ҳам бош-қош бўлди. 1997 йили эса Ёқилғи-энергетика ходимлари касба уюш-масининг Қашқадарё вилояти кўмитаси раиси ўринбо-сари этиб сайланди. Икки йил тармоқ аҳлининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш билан шуғулланди. Сўнгра янада масьулиятли лавозимга – Савдо, умумий овқатланиш матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари ка-саба уюшмасининг вилоят кўмитаси раислигига тавсия этилди. Бу вазифани адо этиш жараёнида ходимларга хавфсиз ва қўлай иш шароитлари яратишга, уларнинг му-рожаатларини имкон қадар ижобий ҳал этишга жиддий эътибор қаратди.

Исмаатулла Бозоров охириги 16 йилдан буён Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгашида иш бошқарувчи бўлиб ишламоқда. Зиммаси-даги вазифаларни сидқидилдан бажармоқда.

У кўплаб шоғирдлар ҳам тайёрлади. Фидокорона хиз-матлари эвазига ўнлаб фахрий ёрликлар, ташаккурнома-лар, «Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги», Ўзбеки-стон Конституциясининг 30 йиллиги» эсдалик нишонлари ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Ehtiqom nishoni» билан тақдирланди.

Касаба уюшмалари фидойиси Эсон Ражабов Исмаатулла Бозоровга нисбатан «ташкilotимиз виждони» деган таъ-рифни кўп ишлатади. Чунки 80 ёшга кирган отахон ҳеч қач-он бирга ишлайдиган ходимларга кўпол муомалада бўл-майди, бировни ҳақорат қилмайди. Зиммасидаги вазифани эса ғайрат-шижоат билан бекаму кўст бажаради. Турли идораларда хизмат қиладиган тўрт нафар фарзандининг ишидан, оиласидаги тинчлик-хотиржамликдан, неварал-лари камолидан қувониш туйғуси унга ҳамisha тетиклик, ишчанлик ва куч-қувват бағишлайди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Хоразм
вилояти

Фаолият

Етакчига кўп нарса боғлиқ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кен-гаши бошланғич ташкилотлар етакчилари билим ва тажрибаларини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўтган йил давомида тасдиқланган жадвал асосида Тупроққалъа, Ҳа-зорасп, Хонқа, Богот туманларида ташкил этилган ўқув-семинарларда 280 нафар бошланғич касба уюшма кўми-таси раиси ўзларини қизиқтирган са-волларга атрофлича жавоб олишди. Ўқув-семинарларда кенгаши бўлим му-дирлари, меҳнат инспекторлари касба уюшмалари олдида турган долзарб ва-зифаларга бағишланган маърузалар бил-ан қатнашди. Шунингдек, Федерация-нинг Малака ошириш институти томо-нидан 120 нафар бошланғич касба уюшма ташкилоти раисига масофавий ўқувлар ташкил этилди. Қолаверса, кен-гаши ходимлари бевосита 195 та бош-ланғич ташкилотда бўлиб, амалий ёрдам кўрсатишди.

Яна бир муҳим жиҳат. Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши расмий веб-сай-тига фаолиятга оид таҳлилий маълумот-лар мунтазам киритиб борилди. Бу ҳам

касабақўмлар фаолиятини такомиллашти-ришга ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган йили, шунингдек, кенгаши ижроия кўми-тасининг 4 та, кенгашининг 2 та йиғилиши ўтказилди. Уларда қабул қилинган 80 дан зиёд қарор ижроси назоратга олинди.

Нодавлат сектори тизимидаги кор-хона, ташкилот, муассасаларда касба уюшмаларининг янги ташкилотларини тузиш бўйича вилоят кенгаши масъул ходимлари ҳамда тармоқ касба уюшма-лари шаҳар, туман кенгашлари масъул ташкилотчилари билан ҳамкорликда те-гишли ишлар олиб борилди. Натигада, 2022 йил давомида 459 та ташкилотда фаолият кўрсатувчи 7690 нафар ходим касба уюшмасига жалб қилинди, 138 та бошланғич касба уюшма ташкилоти ту-зилди.

Қахрамон МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши
Ташкилий ишлар бўлими бошлиғи

Ҳикмат


**Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.**

Алишер НАВОЙ



Бухоро
вилояти

Буйруқ ғайриқонуний эди



Олима Мўминова кўп йиллар Бухоро давлат тиббиёт институтининг кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. Аммо яқинда у билан тузилган меҳнат шарт-номаси иш берувчи томонидан бекор қилинган...

Убуни ғайриқонуний ҳолат деб билади. Шу сабаб Соғ-лиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Бухоро вилоят-и кенгашидан ўз вазифасига тикланиши учун амалий ёрдам кўрсатишни сўради.

Мурожаатни мутахассислар атрофлича ўрганишди. Аниқла-нишча, институтнинг 2021 йил 2 ноябрдаги О.Мўминова бил-ан меҳнат шартномасини бе-кор қилиш тўғрисидаги буйруғи ҳақиқатда ғайриқонуний бўлган. Бу ҳақда иш берувчига ту-шунтирилди. Аммо музокара

ижобий ечим топмади. Шундан сўнг Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд жараёнида Олима Мўминова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодекси ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қону-нининг тегишли моддалари бу-зилгани билдирилди. Аммо суд ушбу ҳолатларга биринчи инстан-ция суди томонидан эътибор қа-ратилмаганини инсон омили ва унинг тақдирига бефарқлик деб баҳолаш мумкин.

Бухоро вилояти суди бино-сида фуқаролик ишлари бўйи-ча апелляция инстанцияси-нинг очик суд мажлисида ма-сала қайта кўриб чиқилди. Унда Фуқаролик ишлари бўйи-ча Пешку туманлараро суди-нинг 2022 йил 16 мартдаги маз-кур иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори қабул қилинди. Шунингдек, Бухоро давлат тиббиёт институти то-монидан чиқарилган буйруқ ҳам ғайриқонуний деб баҳо-ланди. Жабрланувчини ишга қайта тиклаш, унинг фойда-сига мажбурий бекор юрган қонунлари учун 19 754 990 сўм иш ҳақи, маънавий зарар учун 3 000 000 сўм ундириш талаб-лари қаноатлантирилди.

Ҳамро ЧОРИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгашининг Бухоро вилояти бўйича
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ҳуқуқ

Хар сафар хонадонимизга ўзимиз обунга бўлган газета-журналлар келганда мен учун ҳақиқий байрам бўлади. Каминга бу маънавий ва руҳий байрамни ҳеч нарсага алишмайман. Матбуот жону танзим... Газеталар орасида ҳу-зу-ур қилиб ўқиладиганлари бор. Айни чоғда, шунчаки варақлаб қўйилганлари ҳам етарли. Уларни кўздан кечириб, сарфланган қоғозларга ачинаман. Бундай қарсақбоз нашрлар ўқувчи ихлосини матбуотдан сўндиради, холос... Ҳа, маили, уларга ҳам инсоф кириб қолар...

Босма хонанинг ёқимли ҳиди уфуриб турган янги газета ёки журнални варақлар эканман, кўз олдимга қишлоғимизнинг фидойи почтаълони Намоз Жумаевнинг нурли қиёфаси келаваради. Эларо ҳурмати баланд бу инсонни ҳамқишлоқларимиз «тоға», дея эъзозлашар, ҳаммиса давра тўрига ўтказишарди. У Жалойир қишлоғининг катта ҳудудига турли газета-журналлар ва хат-хабарларни вақтида етказиб берувчи шарафли касб эгаси – почтаълон эди.

Уша даврларда одамлар газета-журналларга жуда ўч эдилар. Бу демак, илмга ва зиёга ташна эдилар. Шу боис шаҳарларда ҳам одамлар эрталаб янги газета-журналларни харид қилиш учун матбуот дўконлари олдида навбатга тизилишарди. Худди новвойхоналар олдида иссиқ нонга навбатда тургандай. Чунки матбуот – эрталабки маънавий нонушта эди. Олис-олис қишлоқлар, қўрғон ва овулларда ҳам одамлар газета-журналларни интиқлик билан кутишар, қўлларига етиб боргач, завқ-шавқ билан ўқишарди. Олган таассуротларини бир-бирига сўзлаб бериб, фикрлашар, баҳслашар, лозим топилса, тахририятга ўз муносабатларини билдиришарди.

Кимдир бу гапларимга «Уша сиз айтган матбуот шўро сиёсатида хизмат қилган», деб эътироз билдириши мумкин. Бу тўғри! Лекин газета-журналларда фақат сиёсатга эмас, балки маънавият, маърифат, тарбия, адабиёт, санъат ва маданиятга оид қизиқарли мақола, суҳбат, шеър ва ҳикоялар ҳам чоп этиларди. Аксарияти ўқувчилар эътиборига тушиб, шов-шув бўлиб кетар, баъзан баҳс-мунозараларга сабаб бўларди. Масалан, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Фафуров, Ўткир Ҳошимов, Незмат Аминов, Хайриддин Султонов, Шароф Бошбеков сингари таниқли ижодкорларнинг долзарб мавзулардаги чиқишлари катта қизиқиш билан ўқишар ва кўплаб ижтимоий масалалар ҳал



ҲИҚМАТ ВА КОМИЛЛИК ЧАШМАСИ

ёки қишлоғимиз почтаълони Намоз тоға Жумаевнинг ушалмаган орзу-ниятларини эслаб...

этилишига туртки бўларди. Шу боис кўпчилик ўз дард-ташвишлари ва муаммолари ҳақида матбуотга мурожаат қилиб, ундан нажот кутарди.

Одамларнинг матбуот билан жонли мулоқотларида, савол-жавобларида, меҳрдош-дилдош бўлишларида асосий вазифани обунга бажарган. У бутун дунёда газета ва газетхон орасидаги жараёни боғлаб, доимий алоқасини мустаҳкамлайдиган воситага айланган.

Яхши эслаймиз: 7-8 сифда ўқир эдим. Уйимизга бир кучоқ газета-журнал келарди. Уларни ҳар кунни ёки кун-аро почтаълон Намоз тоға олиб келарди. Биз бу инсонни азиз меҳмон ёки яқин қариндошдек қарши олардик. У қишлоқда ҳамма учун тоға, ҳамма учун қариндош, таъбир жоиз бўлса, маънавий хазинадон эди...

Отам раҳматли ҳарф танимаса ҳам кўп нашрларга обунга бўларди. Бир нечта ҳукумат, туман ва вилоят газеталари қатори «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Муштум», «Гулна», «Ғунча», «Фан ва турмуш» журналлари ва «Тошкент оқшоми» газетасининг ҳам мухлиси эди. Уларни кўпинча менга ўқитарди. Кечқурун дарсимни қилиб бўлганимдан сўнг мени ёнига чақириб, олдида тахлаб қўйилган газета-журналларни

бирма-бир варақлаб, ўқиб беришимни сўрарди. Айниқса, «Муштум»нинг суратларига, уларнинг тағига нима деб ёзилганига қизиқар, латифаларни ва кичик ҳажвияларни мириқиб тингларди.

Отам «Шарқ юлдузи»ни ҳам жуда яхши кўрарди. Аввалига бирор роман, қисса ёки ҳикоядан бир-икки саҳифа ўқитарди. Ёқмаса, «Бошқасига ўт!» дерди. Кейинчалик билсам, ўша кезлар анча-мунча «суви кўп», «семиз» асарларни ўқишдан қутулиб қолган эканман. Лекин таниқли адибларнинг асарларини иштиёқ билан ўқиб берганман. Асар қизиқарли бўлса, тонгача кўзларимга уйку тикилиб ўқирдим. Мункиб кетсам, отам «Тур, юзингни совуқ сувга ювиб кел», дерди.

Мен отамга «Фан ва турмуш» журналидан илм-фандаги янгиликлар, таниқли олимлар ҳақидаги мақолаларни, «Тошкент оқшоми»даги «Оз-оз ўрганиб доно бўлар» рунки остида бериладиган тарбиявий аҳамиятга эга ҳикмат ва ривоятларни ўқиб берардим. Бундай журналхонлик ва газетхонликда баъзан бувим, онам, катта ёшдаги укаларим ва сингилларим ҳам қатнашарди.

Энди ўйлаб қарасам, болаликнинг бегубор кунлари, даврий нашрлар мутолааси билан ўтган дамларим умримнинг олтин лаҳзалари, газета-журналлар беминнат ва чин тарбиячиларим бўлган экан. Уша жараёнлар ҳам китобхонлик, ҳам таълим-тарбия, ҳам адабиётни, китобни севиш вазифасини ўтаган, энг муҳими, ҳаётда ўрнимизни топишимизда ўзига хос билим ва тарбия мактаби бўлган экан. Ўз навбатида, газета-журналларда чоп этилган асарлар каминани адабиёт деб аталмиш буюк тафаккур оламига

олиб кирган йўлчи юлдуз экан. Укаларим ва сингилларимнинг китобга қизиқишларига яхши туртки бериб, пухта замин ҳозирлаган экан.

Отам биргина обунга туфайли биз, фарзандларига яхши ва бетакрор тарбия бериб кетган экан.

Обуна – тарбия ва илм калити, билим манбаи.

Обуна – инсонни зиёга олиб борадиган нурли йўл.

Обуна – тафаккурни тўлдирадиган бебаҳо хазина.

Обуна – ўзини англаш, комиллик сари дадил қадам.

Афсус-надоматлар бўлсинки, «мажбурий обунга» баҳонаси сабаб обунга ишларига қатъий «йўқ!» деган тамга қўйилди. Бундан ким ютади, ким ютқазди, деган жиддий саволга ҳаққоний жавобни келажак беради. Биз баҳслашмоқчи ёки топшириқ берганлар йўлини кесиб ўтмоқчи эмасмиз. Фақат барча ривожланган мамлакатлар тарихини ўрганишда матбуотнинг бекиёс ва улкан вазифалари борлигини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Матбуот – ҳукумат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги, ҳақиқатни рўй-рост кўрсатадиган кўзгу. Матбуот – ҳикматлар чашмаси, маънавий тарбия булоғи. Бунга ёрқин мисоллар келтирадиган бўлса, бир вақтлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Гулистон», «Ёш ленинчи» «Ёшлар овози» сингари газета-журналлар катта нусха-

ларда чоп этилган ҳамда миллат тафаккури, адабиёти ва маданияти юксалишига бекиёс ҳисса қўшганди. Бундан асло кўз юммаслик, ҳадиксирамаслик, аксинча, жамият тараққиётида унумли фойдаланиш зарур.

Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган қатор учрашуларда «Кўрқ-

Матбуот – ҳукумат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги, ҳақиқатни рўй-рост кўрсатадиган кўзгу. Матбуот – ҳикматлар чашмаси, маънавий тарбия булоғи. Бунга ёрқин мисоллар келтирадиган бўлса, бир вақтлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Гулистон», «Ёшлар овози» сингари газета-журналлар катта нусха-

манг, орқангизда Президент турибди», дея мадақдор бўлмоқда. Бугун бизга эркин ва ошқора сўзлаш, ёзиш ҳуқуқини ҳам у киши берганини унутмайлик. Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикларидан бирини шундай сўзлар бор: «Эл-юртимизнинг эзу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, тамағирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб,

Матбуот ҳақида ўйлар

уларга қарши мурасасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб билладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман».

Матбуотнинг ашаддий мухлисларига яна бир муҳим фикрни айтмоқчи эдик. Агар матбуотни севсақ, газета-журнални суянчиғимиз, ишончли дўстимиз деб билсак, унинг куч-қувватига ҳамон ишонсак, «мажбурий обунга»ни қутиб ўтирмай ихтиёрий обунга бўлсак, ноёб ва бебаҳо хазинага эга бўламиз.

Назаримда, матбуотга қайтиш фурсати етди. Биз уни соғинганимиз каби у ҳам фидойи мухлисларини орзиқиб кутмоқда. Чунки матбуот мухлис-лар билан барҳаёт. Бунинг учун у қизиқарли, ўқишли бўлиши керак, шунда муштарийлар албатта, топиб ўқийди. Қолгани тахририят ходимларининг маҳорати ва қаламига боғлиқ... Аслида газета-журналлар ўртасида ижодий ва ижобий рақобат ва жасорат бўлиши керак.

Биз ҳар бир футбол жамоасининг ашаддий мухлислари бўлганидек, газета-журналларнинг ҳам ўз муштарийлари бўлишни истаймиз. Ёдда тутиш: қўл телефонлари ёки ижтимоий тармоқлар қанчалар қаққон ва тезкор хабар тарқатмасин, барибир, газета ўрнини босолмайди. Газета инсониятнинг буюк ва бебаҳо кашфиёти. Матбуотдан ҳайиқмаслик ва чўчимаслик керак.

Менимча, эндиликда эркин ва қулай обунга ўтиш вақти келди. Ўта қийинчилик билан кечаётган бу жараённи атрофича таҳлил қилиб, обунга қўйилган тўсиқларни олиб ташлайлик. Шунда тахририят ҳам, обуначилар ҳам ютади. Энг муҳими, ислохотлар жараёни тезлашади ва тақомиллашади.

...Почтаълон Намоз тоғанинг ажойиб одати бор эди. Газета-журнал камроқ бўлса, хуржундай чарм сумкасини велосипеднинг рулига, агар кўп бўлса, орқа ўриндигига осиб оларди. Уй-ма-уй юриб тарқатар ва бу хайрли ишидан завқланарди. Ўз касбининг устаси ва фидойиси эди.

Бир сафар «Келаси йил обунга кўпайиб кетиб, велосипеднинг тортолмай қолса, нима қиласиз?» деб сўраганим, у шундай жавоб берди:

– Обунга кўпайсин, жиян. Одамлар қанча кўп ўқиса, шунча яхши. Илми ошади, одоби яхшиланади, анча нарсаларни билиб олади. Кўп ўқиш, айниқса, ёшлар учун фойдали.

«Ушал кун келур...»

Ашуралӣ Жўраев,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



Ҳикмат

Энг яхши газета – миллат ўзи билан ўзи суҳбатлашадиган газетадир.

Артур Миллер

Хоразм вилояти

Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасида ҳамшира лавозимида фаолият кўрсатиб келган Муҳайё Маткаримова 2017 йил декабрдан кетма-кет бола парвариши учун ўз ҳисобидан таътилга чиқди. Ўтган йилнинг кузида у ишга қайтмоқчи бўлди. Аммо...



ҲАМШИРА ИШГА ҚАЙТДИ

Бирлашма мутасаддилари Муҳайёга ўша пайтда вақтинчалик ишга қабул қилинганини айтиб, ўз вазифасини бажаришга имкон беришмади. Шундан сўнг у Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмасига мурожаат қилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат инспекцияси томонидан ушбу мурожаат тегишли тартибда ўрганилди. Маълум бўлишича, иш берувчи ва М.Маткаримова ўртасида тузилган меҳнат шартномасига кўра, ходим асосий ишга қабул қилингани қайд этилган. Буйруқда эса вақтинчалик ишга олингани кўрсатилган. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 82-моддасига муво-

фиқ, ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади.

Меҳнат инспекцияси тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг М.Маткаримовани ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни Меҳнат кодексига зид деб топди ва уни бекор қилиш бўйича кўрсатма берилди. Шу тариқа Муҳайё бирлашманинг хирургия бўлимида ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси
Республика кенгашининг Хоразм вилояти
бўйича меҳнат инспектори

Касаба уюшма аралашгач...

Қорақалпоғистон Республикаси

Хайрли ишлар бардавом



Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ҳудудда «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг 4-босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Федерация раиси ўринбосари Қ.Қирғизалиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши раиси ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Аҳмедова ҳамда касабга уюшмаларининг туман-шаҳарларга бириктирилган вакиллари қатнашдилар.

Тадбирни сенатор, Федерациянинг Қо-

рақалпоғистон кенгаши раиси У.Жаленов очиб берди.

Сўнгра Қ.Қирғизалиев сўзга чиқиб, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ижобий ҳал этиш борасидаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳаза юритди. Айни йўналишдаги ҳар қандай иш шаффоқлик ва холислик асо-

сида олиб борилиши лозимлигини таъкидлар экан, «Биз, чекка овул бўладими, туман ёки шаҳар бўладими, жойларга бориб, аҳолининг яшаш шароитини ўз кўзимиз билан кўрган ҳолда иш юритсак, албатта, эзгу мақсадимизга эришамиз», деди.

Бошқа нотиклар ҳам «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг янги босқичида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида тўхталиб, ўз таклиф-тавсияларини билдирдилар.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Тадбир

Адабиёт илмига ёниб кирган мунаққид

УНИНГ ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШЛАРИ ҚАЙ ТАРЗДА ВА КИМЛАРНИНГ ТАЪСИРИДА ШАКЛЛАНГАНДИ?

Атоқли адиб бу гапни бежиз айтмаганди. Навқирон мунаққиднинг мақолалари матбуот саҳифаларида ёритила бошлаши биланоқ ўзбек танқидчилигида ўз халқи ва миллий адабиёт тақдири учун қайғурувчи кишининг овози янграганди. Озод Шарафиддинов бадиий асарларни, муаллифининг жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, бадиийлик қонуниятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ҳолис баҳолар, ҳаммиша тўғриси ва борини ёзди.

Мисол тариқасида «Ижодни англаш бахти» китобига киритилган «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч» мақоласини олайлик. Унда бир шорнинг 10 минг мисрадан иборат бўлган, юртимиз тарихини акс эттирувчи шеъринг романи танқид қилинган, аниқроғи, асардаги маддоҳликни таг-томири билан юлиб ташлаш зарурлиги рўй-рост айтилган. Чунки бу иллат замирида манфаатпарастлик ва таъма ётади. Қолаверса, шоирда ўтмишни улуғлаш иштиёқи шу қадар кучли эдики, у тарихни ўз измидаги арава сингари хоҳлаган томонига бураверган. Аниқроғи, қозончининг ихтиёри ўзида, қандай қулоқ чиқарса бўлаверади қабилда иш тутган. Бу эса асарнинг мазмун-моҳиятига путур етказган. Унда «Ватани севайлик, у бахту камолимиз», «Юртни асрайлик» жумлалари ҳуда-беҳуда бот-бот такрорланган, таъбир жоиз бўлса, калаванинг учини ахтариб сарсон бўлган тўқувчидек асарнинг бошидан охиригача ўз ўрнини топа олмай, мисралардан мисраларга кўчаверган. Оқибатда, китобнинг меъдасига тегадиган даражага келиб, асарнинг ўқилишлигини пасайтириб юборган.

Халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидовнинг шундай мисралари бор:

Ҳикмат

Китоб сизнинг туйғуларингизни тарбиялайди, эстетик дидингизни шакллантиради, табиатингизда дағаллик, шафқатсизлик бўлса, уларни юмшатади, қалбинида эзгулик, олижаноблик япроқларининг ёзилишига йўл очади. Кўп китоб ўқиган одам китоб ўқи-маганга қараганда дунёни бутунлай бошқача қимматда ва бошқача рангларда, бошқача нисбатларда қабул қилади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Шеърнинг зўри тўрт сатр. Тўрт сатр-у зўр сатр. Зўр шоирлар ўзини Тўрт сатрда кўрсатури.

Демак, юртга меҳр-садоқатни икки оғиз гап билан ҳам ифодалаш мумкин. Сўзга чечан ва эстетик қарашда реализмга мойиллик мавжуд мунаққид масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиб, пичинг аралаш шундай дейди: «Мен яна шоирнинг бардошига қойил қолдим. У мазкур асарини «150 кеча-ю кундуз узлуксиз ижодий меҳнат» қилиб яратган. Фақат бир нарсани бил-лолмай қолдим – шу муддат давомида жиндай ухлаганмикин ёки асарни тезроқ тугатиш иштиёқида уйқуну тарк этиб, баъзан эса уйқусираб туриб ҳам ёзаверганимикин? Ҳар ҳолда, Гиннес китобига ёзиб қўйилса, арзийдиган жасорат бу!».

Бизнингча, Озод Шарафиддиновнинг ушбу фикр-мулоҳазалари унинг эстетик диди нечоғли баланд ва ўткирлигини кўрсатади. Чунки эстетик ҳис эзгулик ва яхши хулқнинг негизи, энг зарур инсоний фазилатлардан биридир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: бор умрини илм-фанга бахши-да этиб, фидокорона хизматлари эвази-га Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат

мукофоти лауреати, «Меҳнат шўхрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари ҳамда олий даражадаги Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган, эл-юртга адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, профессор, таржимон, Бош муҳаррир, турли мавзулардаги талай китоблар муаллифи сифатида танилган Озод Шарафиддиновнинг эстетик қарашлари аслида қай тарзда ва кимлар таъсирида шаклланган эди?

Шуни айтиш жоизки, бу жараён, аввало, инсоннинг туғилган жойи, яшаган шароити ва ён-трофидаги инсонларга, иккинчидан, ўқиган китобларига ва давр тақозосига боғлиқ. Бинобарин, Озод Шарафиддиновнинг танқидий тафаккури ва шури пучмоқларидаги фалсафий дунёқараш оилавий вазият, ўша давр қатағонлари, эрксизлик қафаси ва мустақиллик имкониятлари, шунингдек, мунаққид озолиқнинг Озод Шарафиддинови бўлиши натижасида шаклланган.

Ҳар бир инсон ўзига ёқадиган ва руҳиятига мос китобларни мутолаа қилишга интилади. Устоз ҳам бундан мустасно эмасди. У Добролюбов, Чернышевский, Белинский каби рус адиблари қатори Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари ўзбек зиёлилари асарларини ҳам ўқиб, тадқиқ қилган. Айниқса, машҳур танқидчи, рус социал-демократиясининг таниқли салафларидан бири Виссарион Белинский асарларини кўп ўқиган ва ўзбекчага ўғирган. Шунданми, ёзиш услуби унингкига жуда яқин эди.

Масалан, Белинский «Гоголга хат» мақоласида бу адибнинг янги асари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдираркан, шундай дейди: «Агар сиз менинг ҳаётимга суиқасд қилганнингизда ҳам мен сизга бу қадар нафрат билан қарамас эдим. Аммо бу шармандаларча ёзилган сатрлар учун сизга нафратим жуда зўр». Танқидчининг бу қадар ғазабланишига ўша асарда маддоҳлик яна бир поғона юқорига кўтарилгани сабаб бўлган. Зеро, китобда бўлмағур сафсаталар, қабиҳлик ботқоғига ботган диндорларни, халқни талашдан



бошқасини билмайдиган подшоҳу тубсиз жарликка кулай деб турган ҳокимиятни баландроз сўзлар билан макташга зўр берилган.

Озод Шарафиддиновнинг аччиқ сўзлар ила битилган ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йилги 1-сонида босилган «Нажот – ҳамкорликда ёхуд Саламон Рушдига очиқ хат» мақоласи эса муслмон аҳлининг муқаддас туйғулари таҳқирланган «Шайтон оятлари» асари туфайли қаттиқ тақиқга учраган ва Америкадан паноҳ топган, шунга қарамай, ҳамон ислом динига нафратини очикчилик билдириб келаётган Салмон Рушдига огоҳлантирувчи ҳайкирик эди. Чунки «New York Times» газетасида чиққан мақоласига қараганда, гўёки «шафқатсиз ва тошбағир ислом»ни фаш этиш жазаваси бу кимсани ҳамон тарк этмаганди. У ўзини ҳам ислондан жабр кўрганлар сафига қўшиб қўйган. Пировардида, бу динни дунёни бесаранжом қилаётганликда айблаганди. Озод Шарафиддинов унга қуйидагича жавоб қайтаради: «Ўзингиз сезиб турган бўлсангиз керак, жаноб Рушди, бу мактубни ёзишдан мақсад на ислом, на унинг зиёлиларини ҳимоя қилиш эмас. Улар менинг ҳимоямга муҳтож ҳам эмас. Чунки ислом дини мукаммал дин ва бутун дунё бўйлаб тан олинган. Ҳатто энг машҳур Жак-Ив Кусто каби олимлар исломни қабул қилган. Шунингдек, ислом тинчлик, тотувлик, аҳиллик дини. У биронта динга ёки биронта тузумга қарши эмас, унинг биронта ғояси урушга чақирмайди, зулмни оқламайди. Одамларни фақат покликка, инсофга ундайди. Лекин сиз исломни янгилаш, «замонавийлаштириш» тўғрисида

«қимматли» маслаҳатлар берибсиз. Бунинг учун одамда отнинг калласидек юрак бўлмоғи ёки жинни-пинни бўлиб қолмоқ керак». Домла хулоса сифатида номусулмон зиёлилар билан ислом зиёлилари ўзаро таъна тошлари отишдан тийилиб, бири-бирини хурмат қилиши керак деган ғояни илгари сурган. Агар бир-бирини қоралашлар ва зуғумлар давом этса, инсоният боши берк кўчага кириб қолиши муқаррарлигини эслатган.

Кўриниб турибдики, ҳар иккала танқидчи ҳам ҳақиқатни устувор деб билган. Уларнинг эстетик қарашлари ва ижодини бирлаштириб турувчи омил ҳам ҲАҚИҚАТдир. Бироқ ҳақиқат аввал ҳам баъзи кишиларга ёқмаган, ҳозир ҳам ёқмайди. Негаки, унинг замирида танқид – ҳақиқатни очиб беришчи восита ётади. Махмудўжа Бехбудий «Танқид – сараламоқдур» сарлавҳали мақоласида шундай дейди: «Биз эскиларни айблаймизки, агар ислондан сўзласак, чидай олмайдилар. Аммо ўзимизни мактаб, рисола тахрир ва маслакимизни бир киши танқид этдимиз, чидай олмаймиз, бул бизнинг янгидан ишга бошлаганимиздан бошқа тил ила ноқуслигимиздандур. Такрор айтармиз: биз ҳануз танқидга лаёқат пайдо этганимиз йўқ. Яна қадима касалларимиздан – «норизо», «хотири қолмасун...» иллатлари ҳануз кетгани йўқ».

Юқорида билдирилган фикрлардан ўзингиз тегишли хулоса чиқариб олаверасиз, деган умиддамиз.

Шоҳсанам РАИМЖОНОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Хотира уйғонса – гўзал

Озод Шарафиддинов адабиёт илмига, аниқроқ қилиб айтсак, адабий танқидчиликка ёниб кирди ва ҳозиргача у мана шу фазилатини сақлаб қолди. Унда ҳақиқат руҳи, демократик руҳ, эркинлик руҳи кучли.

Абдулла ҚАҲҲОР



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarga manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhiblar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti – 22:50
Topshirildi – 13:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-113
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Ummiy adadi 31352
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida 14543 nusxasi chop etildi.
Korxonani manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Асосан парҳез маҳсулот сифатида етиштириладиган қуён гўшти инсон соғлиғи учун нечоғли фойдали эканлигини кўпчилики билмайди. Ҳолбуки, тиббиётда у ижобий хусусиятларига кўра бошқа барча гўшт турларидан устун туриши исботланган. Бироқ, «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ!» деганларидек, биз оқсилларга бой бу маҳсулотдан кўра, хориждан келтирилётган деликатес шаклидаги егуликларни афзал кўраемиз.



Қуён гўшти есангиз...

– Юқори қийматга эга ушбу озуқа мол, бузоқ, қўй ва товуқ гўшtlарига нисбатан анча фойдали ҳисобланади, – дейди диетолог Х.Юсупова. – Чунки унинг таркибидаги оқсил алмаштириб бўлмайдиган йғиримга яқин аминокислоталарга, ёғи эса тўйинмаган ёғ кислоталарига бой. Шунингдек, унда турли витаминлар, макро ва микроэлементлардан темир, фосфор, кобальт, фтор, магний, калий, марганец, рух ва инсон организм учун керакли бошқа моддалар ҳам мавжуд. Аниқланишича, ёш қуённинг гўштини тано-

вул қилиш жуда фойдали бўлиб, ижобий натижасини беради.

Қуён гўшtidан тайёрланган таом энгил ҳазм бўлади, танада моддалар алмашинувини яхшилаб, атеросклероз касаллиги ривожланишининг олдини олади. Айниқса, болалар, кексалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, оғир дардди бошидан кечирган кишиларга, юқори жисмоний куч билан ишловчилар ва спортчиларга фойдали ҳисобланади. Диетологлар уни юрак-қон томир ва айрим меъда-ичак тизимлари, қандли диабет, гипертония, жигар, буйрак, ўт йўли хасталиқларига йўлиққанлар, аллергияга мойил кишилар учун тавсия этишади. Онкологик касалликларда ва радиоактив нурланишдан кейинги реабилитация

даврида бу маҳсулотни истеъмол қилиш нурланиш даражасини пасайтириб, ҳолсизланишининг олдини олади. У экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчилар учун ҳам жуда зарур.

Қуённинг нафақат гўшти, балки ёғи ҳам халқ табиотида қўлланилади. У кўпбал касалликларни даволашдан ташқари, косметологияда гўзаллик воситаларининг гипоаллергик асосини яратишда, фармацевтика санъатида ҳам ишлатилади. Хуллас, қуён гўшти бошқа гўшт турларидан анча устун туради. Шу боис сиз ҳам ундан парҳез таом сифатида фойдалансангиз, дардингиз ариши ва соғлигингиз мустаҳкамланиши аниқ.

Раъно МАҲКАМОВА
тайёрлади.

Биласизми?

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат асшилиқ даражасини белгилаш палатасининг бош му- тахассиси Атамуродова Шахло Тўймуродовна номида 2022 йил 23 декабрда берилган 36-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги «Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350-сонли қарор ижросини таъминлаш мақ- садига мазкур қарорнинг 3-иловасида «қонунчиликда бел- гиланган тартибда тугатиладиган истиқболсиз, фаолият кўр- сатмаётган, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли кор- хоналар» сифатида «Тошсувтаъминот туманларро ишлаб- чиқариш бошқармаси» ДУК (СТИР рақами 201767843) фа- олиятини тугатилганилигини ва муҳр ҳамда штамп йўқолигани- гини маълум қиламиз.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Тел.: +99895 145-20-56.

Электрон манзил: toshkentviyoyatjkkboshqar@mail.ru

Билдирув

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жа- моаси Ўзбекистон Республикаси санъат ар- боби, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият ин- ститутини «Вокал» кафедраси профессори **Бахрулло ЛУТФУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига ҳамдардлик билдиради.